


V. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2018 йилнинг январь – март ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 16826,6 млрд. сўм (доллар эквивалентида 2,1 млрд. АҚШ долл.) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 129,4 % ни ташкил қилди.

ЯИМ га нисбатан асосий капиталга инвестициялар 25,9 % ни ташкил этиб, 2017 йилнинг январь-мартдаги кўрсаткичга нисбатан 3,3 % пунктга кўпайди.


2018 йил январь-март ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари



2018 йилнинг январь-мартда жами асосий капиталга инвестицияларнинг ярмидан кўпроғи, яъни 55,3 % и Республиканинг 3 ҳудудида, жумладан, Бухоро вилоятида - 24,7 %, Тошкент шаҳрида 20,5 % ва Қашқадарё вилоятида - 10,1 % ўзлаштирилди.

Қатор ҳудудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Навоий вилоятида 2,3 марта (1746,4 млрд. сўм), Наманган - 2,1 марта (1018,7 млрд. сўм), Сурхондарё - 2,0 марта (1026,4 млрд. сўм), Тошкент - 144,2 % (1166,7 млрд. сўм), Тошкент шаҳрида 130,7 % (3137,6 млрд. сўм) ўсиш суръати кузатилди.

Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар




2018 йилнинг январь-мартида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида 1819,7 минг сўм (ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 2,3м), Тошкент шаҳрида 1510,5 минг сўм (128,4 %), Бухоро вилоятида 1338,7 минг сўм (71,2 %), Қашқадарё вилоятида 656,6 минг сўм (155,5 %), Сурхондарё вилоятида 407,4 минг сўм (197,1 %) ва Тошкент вилоятида 407,3 минг сўм (142,5 %) қайд этилди.

**2018 йилнинг январь-мартида асосий капиталга инвестицияларнинг
молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши**


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Асосий капиталга инвестициялар	16826,6	129,4	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	3603,0	163,4	21,4
бюджет маблағлари	391,6	58,7	2,3
Давлат мақсадли жамғармалари	147,6	44,3	0,9
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	1177,7	2,5м	7,0
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	1886,1	2,6м	11,2
Марказлашмаган инвестициялар:	13223,6	122,6	78,6
корхона маблағи	5107,2	116,9	30,4
аҳоли маблағи	1823,8	85,3	10,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	2803,4	89,4	16,7
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	3489,2	3,4м	20,7

Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, % да

2017 йил январь-март




2018 йил январь-март



Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 163,4 % ёки 3603,0 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 21,4 % ёки ўтган йилнинг мос даври кўрсаткичига нисбатан 5,5 % пунктга) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 13223,6 млрд. сўм ёки 122,6 % (жами инвестициялардаги улуши 78,6 %).

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари



2017 йилнинг мос даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар улуши 5,9 % пунктга ўсди, мос равишда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси улуши 3,6 % пунктга ошган бўлса, Республика бюджети маблағларининг улуши 2,5 % пунктга камайди

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган кўйидаги лойиҳаларни келтириш мумкин:

"Ауминсо-Амантой конлари" да олтин-маъданли конларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича конларни қуриш (ГМЗ-5) (I-II босқич) ;

Ёшлик I конини ўзлаштириш Тошкент вилояти (Алмалиқ шаҳри);

“Мурунтау” карьерига ишлов бериш (V босқич);

Шеробод туманида цемент заводи қурилиши;


Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари:

Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт дан бўлган икки буғ-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;

450 МВт қувватли 2 буғ-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари;

Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексининг қурилиши

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари



Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган йирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси:

Дастур бўйича “Ўзшаҳарқурилиши инвест” ИК томонидан шаҳар жойларда арзон кўп қаватли турак жойлар қурилиши.


Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилган инвестиция лойиҳаларига қуйидагиларни келтириши мумкин:

Қандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришига тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши;

Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришига тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириши;

Хисор инвестиция блоки ва Устюрт ҳудудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил этиши.

Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби



Жорий даврда иқтисодиётнинг нодавлат сектори инвестициялари ҳажми 2017 йилнинг мос даври кўрсаткичига нисбатан 26,0 % пунктга ўсди. Ўзбекистон Республикаси бўйича жами инвестициялардаги нодавлат секторининг улуши 88,7 % ни ташкил этди, жумладан, Қашқадарё вилоятида 97,5 % га етди, Бухоро вилоятида 97,2 %, Наманган вилоятида 96,1%, Тошкент вилоятида 95,7 %, Қарақалпоғистон Республикасида 93,3 % ва Андижон вилоятида 93,2 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича таркиби**

	Жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (жами нисбатан, %)						
		Республика бюджети	Давлат мақсадли жамғармалари	Корхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	16826,6	2,3	0,9	41,2	20,7	27,9	7,0	-
Қорақалпоғистон Республикаси	672,4	2,6	1,8	58,5	15,0	22,1	-	-
<i>вилоятлар:</i>							-	-
Андижон	434,1	1,8	1,0	54,6	31,7	10,9	-	-
Бухоро	2506,6	1,4	0,3	23,8	4,9	69,6	-	-
Жиззах	401,6	7,2	1,3	59,6	25,2	6,7	-	-
Қашқадарё	2071,1	0,7	0,8	35,3	7,3	26,5	29,4	-
Навоий	1746,4	0,4	0,4	22,0	6,1	57,2	13,9	-
Наманган	1018,7	0,6	0,9	23,1	16,5	58,9	-	-
Самарқанд	676,8	4,0	1,3	68,4	24,2	2,1	-	-
Сурхондарё	1026,4	1,4	3,4	32,7	34,1	9,1	19,3	-
Сирдарё	300,8	9,4	1,7	31,6	46,0	11,3	-	-
Тошкент	1166,7	2,4	0,3	47,6	31,4	8,0	10,3	-
Фарғона	654,6	3,0	0,5	53,1	28,4	15,0	-	-
Хоразм	368,2	5,6	1,7	60,6	22,4	7,7	2,0	-
Тошкент ш.	3731,6	2,4	0,5	56,1	35,2	5,8	-	-

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

**2018 йилнинг январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг
мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби**

	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	16826,6	1898,5	14928,1
<i>шу жумладан жамига нисбатан</i>			
<i>% да:</i>			
Қурилиш – монтаж ишлари	60,9	61,6	55,6
Машина, ускуна, инвентар	30,1	29,2	37,0
Бошқа харажатлар	9,0	9,2	7,4

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Республика бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 60,9 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 30,1 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши 9,0 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган
асосий капиталга инвестициялар
(январь-март)**


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>	
		<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>
Асосий капиталга инвестициялар - жами	16826,6	100,0	100,0
<i>Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	428,9	3,3	2,5
Тоғ - кон саноати	3717,1	24,2	22,1
Ишлаб чиқариш саноати	3170,5	13,6	18,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1831,9	1,4	10,9
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	244,1	1,0	1,5

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан % да	
		2017 й.	2018 й.
курилиш	267,3	5,1	1,6
улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	784,2	6,0	4,7
Ташиш ва сақлаш	921,3	10,2	5,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	108,9	1,2	0,6
Ахборот ва алоқа	175,9	2,7	1,0
Молия ва суғурта фаолияти	372,1	1,5	2,2
Профессионал, илмий ва техник фаолият	320,9	3,0	1,9
таълим	81,9	1,1	0,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	191,8	1,2	1,1
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	3270,4	18,6	19,4
Бошқа фаолият турлари	939,4	5,9	5,7

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 3717,1 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 22,1 %), шу жумладан хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 2983,8 млрд. сўм (17,7 %), ишлаб чиқариш саноатида 3170,5 млрд. сўм (18,8 %), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 319,8 млрд. сўм (1,9 %), текстил маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш фаолияти турида 459,9 млрд. сўм (2,7 %), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 659,7 млрд. сўм (3,9 %), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 358,6 млрд. сўм (2,1 %), металлургия саноатида 627,3 млрд. сўм (3,7 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш фаолият турида 1831,9 млрд. сўм, (10,9 %), қурилиш фаолияти турида 267,3 млрд. сўм (1,6 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 921,3 млрд. сўм (5,5 %),

улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 784,2 млрд. сўм (4,7%), ахборот ва алоқа фаолият турида 175,9 млрд. сўм (1,0%), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 320,9 млрд. сўм (1,9%), таълим соҳасида 81,9 млрд. сўм (0,5%), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 3270,4 млрд. сўм (19,4%) инвестициялар ўзлаштирилди.

2018 йилнинг январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби



Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2018 йилнинг январь-мартида 4689,5 млрд. сўм ёки 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 121,2% асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.


Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 27,9 % ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Бухоро вилоятида 37,2 % , Навоий вилоятида 21,3 %, Наманган вилоятида 12,8 % ва Қашқадарё вилоятида 11,7 % кузатилди.

**Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш,
кредитларни қўшган ҳолда**

	<i>Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм</i>		<i>Хорижий инвестициялар, нисбатан % да</i>	
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан, кредитлар</i>	<i>жамига</i>	<i>асосий капиталга инвестициялар</i>
Ўзбекистон Республикаси	4689,5	2060,7	100,0	27,9
Қорақалпоғистон Республикаси	149,0	33,2	3,2	22,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	47,7	11,2	1,0	11,0
Бухоро	1744,0	32,2	37,2	69,6
Жиззах	27,0	-	0,6	6,7
Қашқадарё	547,2	131,8	11,7	26,4
Навоий	999,5	986,4	21,3	57,2
Наманган	600,3	573,5	12,8	58,9
Самарқанд	14,4	4,9	0,3	2,1
Сурхондарё	92,9	64,3	2,0	9,1
Сирдарё	33,8	27,6	0,7	11,3
Тошкент	92,5	66,3	2,0	7,9
Фарғона	97,9	86,0	2,1	15,0
Хоразм	28,6	24,7	0,6	7,8
Тошкент ш.	214,6	18,7	4,6	5,8

2018 йилнинг январь-мартда ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМ га нисбати 7,2 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 % пунктга кўпайди.

Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш (млн. АҚШ долл.)




Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 574,9 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 343,7 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни ташкил этди, ёки 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 27,1 % га камайди.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2018 йилнинг январь-мартда 2803,8 млрд. сўмни ёки жами инвестициялардаги улуши 16,7 % ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-мартда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМ га нисбати 4,3 % ни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос двари кўрсаткичига нисбатан 0,6 % пунктга камайди

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби



Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар энг кўп ўзлаштирилди: хом нефть ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турига жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 48,3 % ини ташкил этиб, 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 18,8% пунктга, мос равишда ташиш ва сақлаш фаолият тури 2,3 % ни ташкил этиб (5,0 % пунктга), информация ва алоқа фаолият тури 2,0 % ни ташкил этиб (5,5 % пунктга) камайди.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турларига хорижий инвестиция ва кредитлар: электр, газ, буғ билан таъминлаш, ҳавони кондициялаш фаолитида 22,7 % (22,6 % пунктга), сув билан таъминлаш, канализация фаолитида 3,4 % (1,5 % пунктга) кўпайди.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

Жами асосий капиталга инвестицияларда турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 3270,4 млрд. сўмни ёки жами инвестициялар ҳажмида 19,4 % ни ташкил этди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

	<i>Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан:</i>			
	<i>Ишга туширилди</i>		<i>2017 йил мос даврига нисбатан % да</i>	
	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>
Турар жойлар умумий майдони, <i>минг кв.м.</i>	1869,2	1149,2	82,3	73,7
<i>улардан:</i>				
якка тартибдаги турар жойлар	1687,0	981,7	75,2	64,2
намунавий лойиҳалар асосида қурилган якка тартибдаги турар жойлар	168,4	166,6	5,8м	5,8м
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), қатнов	100	-	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни	40	40	-	-
Сув тармоғи, <i>км</i>	149,7	123,1	38,5	34,1
Газ тармоғи, <i>км</i>	29,7	21,9	57,7	76,7

2018 йилнинг январь-мартида умумий майдони 1869,2 минг кв.м (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 82,3 %) бўлган 14,1 минг хонадонга эга 14,7 минг турар жойлар, жумладан 1149,2 минг кв.м. (73,7 %) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

Коммунал соҳа объектлари қурилишида 149,7 км сув тармоғи (123,1 км қишлоқ жойларда) ва 29,7 км газ тармоғи (21,9 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, улар 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 38,5 ва 57,7 % ни ташкил этди (қишлоқ жойларда мос равишда 34,1 % сув тармоғи ва 76,7 % газ тармоғи).

2018 йилнинг январь-мартда ишга туширилган турар жойлар

	<i>Ишга туширилди, жами</i>		<i>Улардан: якка тартибдаги турар жойлар</i>	
	<i>минг кв.м</i>	<i>2017 йил мос даврига нисбатан % да</i>	<i>минг кв.м</i>	<i>2017 йил мос даврига нисбатан % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	1869,2	82,3	1687,0	75,2
Қорақалпоғистон Республикаси	203,4	181,7	187,2	170,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	92,0	58,0	66,0	42,2
Бухоро	63,7	31,5	50,5	25,2
Жиззах	109,5	79,6	108,1	79,8
Қашқадарё	212,8	107,6	199,6	102,1
Навоий	79,8	86,0	72,0	79,5
Наманган	132,5	75,4	114,9	66,2
Самарқанд	120,5	55,2	102,5	47,4
Сурхондарё	141,7	69,9	141,1	70,4
Сирдарё	16,0	82,2	12,9	75,3
Тошкент	258,6	150,5	230,1	135,7
Фарғона	183,0	75,9	152,3	63,8
Хоразм	118,0	68,1	118,0	69,0
Тошкент ш.	131,8	77,8	131,8	77,8

Умумий майдони 1687,0 минг кв.м. ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 75,2 % яқка тартибда қурилган турар жойлар ишга туширилди.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар қурилиши бўйича Давлат дастурининг бажарилиши натижасида 2018 йил январь-мартда умумий майдони 168,4 минг кв.м. бўлган 1,9 минг турар жойлар қурилиши яқунланди.

Касалхоналар, амбулатор-поликлиника муассасалари, қишлоқ врачблик пунктлари янги қурилиши ва реконструкцияси учун 34,4 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу соғлиқни сақлаш фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 17,9 % ини ташкил этди.

Касб-хунар коллежлари қурилиши ва реконструкциясига 8,2 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган инвестицияларнинг 10,0 % ини ташкил этди.


Таълим жараёнини сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган чора тadbирлар натижасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилиши ва реконструкцияси учун жами 12,8 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 15,6 % ини ташкил этди.

Сув тармоғи қурилишида 92,2 млрд. сўм, газ тармоғлари қурилишида 0,9 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Қурилиш ишлари

2018 йилнинг январь-мартда 9259,5 млрд. сўм ёки 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 112,2 % қурилиш ишлари бажарилди.

Худудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш сурати



Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги ҳудудларда кузатилди: Қорақалпоғистон Республикасида 119,1 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 9,4% пунктга кўпайди, мос равишда, Навоий вилоятида 112,0 % (2,1 % пункт), Тошкент вилоятида 133,4 % (31,9 % пункт), Тошкент шаҳрида 110,6 % (0,8 %) кўпайди.


Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари

	Жами, млрд. сўм	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да	
		давлат	нодавлат
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	9259,5	3,7	96,3
Қорақалпоғистон Республикаси	402,5	2,8	97,2
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	386,4	1,7	98,3
Бухоро	430,1	5,0	95,0
Жиззах	291,5	8,4	91,6
Қашқадарё	639,4	1,9	98,1
Навоий	349,8	29,9	70,1
Наманган	309,4	5,2	94,8
Самарқанд	509,7	2,6	97,4
Сурхондарё	355,4	1,8	98,2
Сирдарё	125,3	8,9	91,1
Тошкент	492,4	2,4	97,6
Фарғона	521,7	1,3	98,7
Хоразм	324,1	3,9	96,1
Тошкент ш.	1631,3	5,1	94,9

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

Шу билан бирга, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қурилиш ишлари ҳажмини камайиши қуйидаги ҳудудларда: Бухоро вилоятида 76,6 % (32,6 % пункт), Сурхандарё вилоятида 92,2 % (17,7 % пункт) ва Хоразм вилоятида 98,2 % (10,5 % пункт) кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар (млрд. сўм)



Жами қурилиш ишларидан 81,3 % янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуролантириш ишларига тўғри келади, шунингдек, 18,7 % ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ташкил этди.